



O'zbekiston Nogironlar Assotsiatsiyasi nashri

IMKONIYAT

• Ijtimoiy-siyosiy, huquqiy va madaniy gazeta • t.me/imkoniyatgazetasi • № 8 son (8) • 2024 yil 30 aprel • seshanba

2024 йил — Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили



• Янгиланиш одимлари ЎЗБЕКИСТОН НОГИРОНЛАР ЖАМИЯТИНИНГ ЯНГИ БИНОСИ



Яқинда пойтахтимизда Ўзбекистон Ногиронлар жамияти янги биносининг очилиш маросими бўлиб ўтди. Айтиш жоизки, бу кун ўзининг ноодатийлиги, ёрқин лаҳзаларга бойлиги билан тадбир иштирокчилари ва меҳмонларда катта таассурот қолдирди. Буни маросимдан тайёрланган фоторепортаж орқали аңгла олиш мумкин.



Тадбирни Ўзбекистон Ногиронлар жамияти Марказий бошқаруви раиси Комил Абдуллаев қисқача кириш сўзи билан очди.

Шундан сўнг тантанали маросимда Ўзбекистон Ногиронлар жамияти жамоасининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси хузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди директори О. Хусанов, Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси Кенгаши раиси К. Эшонхўжаев ва "Тараққиёт стратегияси" маркази бўлим мудирини А. Холбеков ва бошқа расмий ташкилотларнинг вакиллари табриклади.

(Давоми 3-бетда).

• Кейинги йилларда паралимпиадчиларимиз жаҳоннинг турли мамлакатларида ўтказилаётган олимпиада ва беллашувларда иштирок этиб олтин ва кумуш медалларни кўлга киритаётгани, бу билан мусобақаларда Ўзбекистон байрогини баланд кўтараётгани қувончли ҳолдир.

Эришилган муваффақиятлардан руҳланиб, мамлакатимизда ногиронлиги бўлган инсонлар ўртасида спортни ривожлантириш ишлари кейинги йилларда кенг кўлам касб этмоқда. Мухими, бу борадаги ишга солинмаган имкониятлар қидириб топилмоқда.

Бу тайёргарликларнинг барчаси шу йилги Париж шаҳрида ўтказилаётган паралимпия беллашувларида ҳозирлик сифатида амалга оширилмоқда.

Яқинда ногиронлиги бўлган шахсларни спортга жалб қилиш ва 2024 йил Паралимпия ўйинлари бўйича брифинг ўтказилди.

Йиғилишда мамлакатимизда спортчиларни тайёрлаш ва рағбатлантиришга катта эътибор қаратилаётгани, олимпиада катори Паралимпия ўйинлари ҳам пухта тайёргарлик учун барча шароитлар яратилгани қайд этилди.

Президентимиз томонидан жисмоний имконияти чекланган фуқароларни спортга кенг жалб этиб, паралимпия ҳаракатини ривожлантириш, иқтидорларини саралаб, тарбиялаш, хориждан тажрибали мутахассис ва мураббийлар жалб этиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Спорт таълими масканларида паралимпия бўйича бўлимлар ташкил этилиб, кўшимча квоталар ажратилиши, махсус ўқув дастурлари ва методика жорий қилиниши айтилди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг беш ташаббуси бўйича олиб борилаётган ишлар доирасини кенгайтириш масалалари муҳокама этилди. Бу борадаги ишларни икки босқичда олиб бориш режалаштирилди.

Биринчи босқичда маҳалларда истиқомат қилаётган ногиронлиги бўлган ёшларни

• Паралимпиада ривожини йўлида

БЕШ ТАШАББУС ДОИРАСИДАГИ ТАДБИРЛАР



спорт соҳасига янада кенгроқ жалб этиш, муҳими улар билан тайёргарлик ишларини олиб бориш кўзда тутилади. Иккинчи босқичда Республикаимиздаги алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болалар учун ихтисослашган мактаб ва мактаб-интернати ўқувчилари ўртасида ташкил этиладиган "Беш ташаббус паралимпиадаси" тадбирларини янада кучайтириш мўлжалланмоқда.

Йиғилишда кун тартибидеги масала юзасидан Ўзбекистон Ногиронлар ассоциацияси раиси Ойбек Исоқов ва миллий паралимпиадчилар қўмитасининг масъул вакили Анвар Мурсакулов сўзга чиқдилар.

Брифингни Ўзбекистон Ногиронлар ассоциацияси ва Ўзбекистон Паралимпия қўмитаси ҳамкорликда ташкил қилишди.

Муштариий ТҲҲИЕВА.

• Тўсиқсиз муҳит яратиш йўлида

ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИ НАТИЖАЛАРИ ЎРГАНИБ ЧИҚИЛДИ

Ўзбекистон ҳукумати ногиронлиги бор инсонларнинг ҳуқуқларини қўллаб-қувватлаш йўлида йирик муваффақиятларга эришди. Масалан, ногиронлиги бор одамларнинг йиллик бандлик ҳисоби уч бараварга ошди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош Ассамблеяси томонидан 2006 йил 13 декабрдаги 61/106-резолюцияси билан қабул қилинган "Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция" ногиронларнинг ҳуқуқлари ва асосий эркинликлари, хусусан уларнинг яшаш, фуқаролик, ҳуқуқий ҳимояланиш, таълим олиш, саломатликла-

рини сақлаш, бошқалар билан тенг равишда меҳнат қилиш, сиёсий, ижтимоий, маданий ҳаётда, бўш вақтни ўтказиш, дам олиш ва спорт билан шуғулланишда иштирок этиш, ўзлари ва oilаси учун етарлича турмуш шароитига эга бўлиш ва ижтимоий ёрдам ҳуқуқлари эътироф этилган ва уларни амалга оширишнинг ҳуқуқий қа-

фолатлари белгиланган. Бунда, айниқса, ногиронлиги бўлган аёллар, болалар ва кексалар ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилган.

Ушбу халқаро ҳужжатда барча давлатлар "ногиронлар мустақил турмуш кечириш ва турмушнинг барча жабҳаларида ҳар тарафлама иштирок этиш имкониятига эга бўлиши учун ногиронларнинг бошқалар билан тенг равишда жисмоний муҳитдан, транспортдан, ахборот ва алоқадан, шу жумладан, ахборот-коммуникация технологиялари ва тизимидан ҳамда

• Ногиронлиги бўлган инсонлар эъзозда

МЕҲР ВА МУРУВВАТ ТАФТИ

Маълумки, «Мурувват» интернат уйлари биринчи навбатда васийликка олинганларнинг тиббий-ижтимоий таъминоти амалга оширилишини, уларга малакали мутахассислар томонидан ўз вақтида ва сифатли ижтимоий, маиший ва маданий хизмат кўрсатилишини таъминлайди. Бу даргоҳга қабул этилганларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш ва даволанишлари учун зарур шарт-шароитларни яратди. Шу нуқта назардан қараганда бундай интернат уйлари давлатимизнинг инсонпарварлик сиёсатининг амалий ифодасини намойён этадиган муҳим муассаса ҳисобланади.

Бизнинг Хива "Мурувват" ногиронлиги бўлган шахслар учун эркаклар интернат уйлари ўз тарихи бор. Бу муассаса 1938 йилда Рухий касалликлар интернат уйи деган ном билан 70 ўринли ҳажмида ташкил қилинган. Мазкур интернат уйи 1967 йилда Хива туманидаги Гандимён қишлоғи Полосултон маҳалласига кўчирилган ва 1968 йилда 250 ўринли 4 ёшдан – 18 ёшгача бўлган ақли заиф болалар интернат уйига айлантирилган. 1971 йилдан 18 ёшдан катта ногиронлиги бўлган руҳий касалликлар интернат уйига, кейинроқ ногиронлиги бўлганлар уйига ҳам айлантирилган.

1997 йилдан бошлаб 300 ўринли бу муассаса "Мурувват" уйи деб юритилиб келинмоқда. Хива "Мурувват" ногиронлиги бўлган шахслар учун эркаклар интернат уйи 2012 йилги инвестиция дастурига киритилиб, 200 ўринга мўлжаллаб кўшимча янги ётоқхона, кирхона, ҳаммом, қабулхона, қозонхона қурилган. Яъни 1 млрд. 700 млн. сўмлик қурилиш ишлари бажарилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 20 июндаги "Тиббий ижтимоий муассасалар моддий-техника базасини ривожлантиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-3787-сонли Қарорининг 2-иловасига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 декабрдаги Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилга мўлжалланган инвестиция дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-4067-сонли қарорни ижросини таъминлаш мақсадида муассаса ҳудудига "Хива қурилиш комплекси" хусусий корхонаси томонидан 100 ўринга мўлжалланган ётоқхона биноси, сил касаллиги билан оғирган ногиронлиги бўлганлар учун 10 ўринли ётоқхона биноси, ногиронлиги бўлганлар учун ёзги дам олиш маскани бинolari янгидан қурилиб битказилди.

Ётоқхонада ногиронлиги бўлганлар яшаб, дам олишлари учун барча шарт-шароитлар яратилди, ҳар бир палатага иссиқ ва совуқ сув алоҳида ўтказилди, стол-стуллар қўйилиб, шкафлар билан таъминланди. Физioterapia хонаси ташкил қилиниб, муолажа қилиш аппаратлари билан жиҳозланди. Янги бинода маъмурият учун, шифокорлар учун ҳамда тадбирлар учун алоҳида хоналар маъжуд. Бу даргоҳда ўринлар сони 330 киши учун қилиб белгиланди, ҳозирги кунда муассасада ҳақиқатда 326 нафар ногиронлиги бўлган шахслар яшамоқда.

Муассасада васийликка олинганлар учун сифатли тиббий-ижтимоий ёрдам олишлариға кўмаклашадиган барча шарт-шароитлар яратилган, жумладан: фитобар, физиотерапия, муолажа хоналари, кутубхона, маънавий хонаси, тренажёр хонаси, ҳаммом, сауна, ошхона, кирхона, сартархона ҳамда керакли нарсалар билан жиҳозланган ётоқхоналар фаолият кўрсатмоқда.

Ҳозирги кунда ижтимоий соҳага катта диққат-эътибор қаратилаётгани туфайли муассасамиз Ўзбекистон Республикаси Президентини хузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги тасарруфига ўтказилди.

Бизнинг "Мурувват" ногиронлиги бўлган шахслар учун эркаклар интернат уйимизда истиқомат қилаётганлардан 52 нафари биринчи гуруҳ, 272 нафари иккинчи гуруҳ, 1 нафари 3-гуруҳ ногиронлиги бўлган шахслардир. Улар йил давомида мунтазам равишда 2 мартабда чуқурлаштирилган тиббий қўриқдан ўтказиб келинади. Бунга вилоят, туман, шаҳардаги малакали ва тажрибали шифокорлар жалб қилинади.

Шуни маъмурият билан айтиб ўти кераки, васийликка олинган тарбияланувчиларни маданий-маънавий соғломлаштиришга ва уларнинг кўнгилли ҳордиқ чиқаришлариға алоҳида эътибор қаратилади. Замонавий спорт инвентарлари билан жиҳозланган тренажёр хонаси, яшил сунай спорт майдончаси, теннис, шахмат-шашка машғулотлари учун жойлар ажратилган. Васийликка олинган тарбияланувчиларнинг мароқли ва мазмунли дам олишларини ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилади. Бу даргоҳда ҳар бир кун байрам ва кўнгилочар тадбирлар билан ўтади. Яъни мунтазам равишда турли-туман тематик кечалар, меҳнат фахрийлари, шоир ва ёзувчилар, театр актёрлари, замонамизнинг машҳур кишилари билан учрашувлар ўтказилади. Йил давомида фасларга қараб тарихий ва қадимий қадам-жоларға саёхатлар ташкил қилиб борилади.

(Давоми 3-бетда).



шаҳарларда ҳам, қишлоқ жойларида ҳам аҳоли учун очик ёки тақдим этиладиган бошқа объектилар ва тизимлардан фойдаланиш имкониятларини таъминлаш учун зарур чораларни кўради" дея таъкидланди.

(Давоми 3-бетда).

● Ногиронлиги бўлган инсонлар эъзозда



(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Ушбу даргоҳда тарбияланаётганларни ижтимоий мослаштириш, уларга ўз қизиқишларидан келиб чиқиб, касб-хунар ўргатиш, шунингдек, уларни касбий ва ижтимоий реабилитация қилиш учун ҳам зарур шарт-шароитлар яратилган.



МЕҲР ВА МУРУВВАТ ТАФТИ

ларининг икки тарафларига гуллар ўтказилди. Ҳар ҳафтанинг 5-куни маънавият кўни деб эълон қилинган. Ушбу кунда тарбияланаётганлар туман, вилоят, республикамизда ва жаҳонда бўлаётган икки-сесий, сиёсий ўзгаришлар билан таништирилади.

рибалари билан ўртоқлашадилар ва давра суҳбатлари ўтказиб борадилар. Бизнинг "Мурувват" уйи-мизда узоқ йиллардан буён ишлаб келаётган кўплаб меҳрибон мураббийлар, тиббиёт ходимлари хизмат қиладилар.

пияси инструктори Отабек Отажонов, орастабону Дармонжон Абдуллаева каби хурматли инсонлар бор.



(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Ўттиз уч йилдан орტიроқ давр мобайнида фаолият юритиб келаётган ва айни пайтда мамлакатимиз бўйича 217 та бўлим ва бўлимчаларга эга бўлган Ўзбекистон Ногиронлар жамиятининг ўз манзили йўқ эди.

● Янгиланиш одимлари ЎЗБЕКИСТОН НОГИРОНЛАР ЖАМИЯТИНИНГ ЯНГИ БИНОСИ

бориши учун кўплаб ноқулайликлар туғдирар, турли жойларда ижарада туришга тўғри келар эди. Ўзбекистон Ногиронлар жамияти Тошкент шаҳрининг Хиёбонтёпа маҳалласидаги ўзининг балансидаги 632 метр квадрат фойдаланиш майдонига эга бўлган янги 3 қаватли биносига 33 йиллик фаолиятдан кейин эга бўлди.

ронлиги бўлган инсонларни қабул қилиш учун алоҳида қабулхоналар ва мажлислар зали жиҳозланди. Барча хоналар замонавий ташкилий техника воситалари - компьютерлар, нусха олиш аппаратлари билан таъминланди.



гиронлар жамиятининг барча вилоят бўлимлари раислари, уларнинг ўринбосарлари, таклиф қилинган меҳмонлар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

● Меҳрибонлик тадбирлари

САМАРАЛИ КАФОЛАТЛАРНИ ТАЪМИНЛАШ

Гапириш ва эшитишда нуқсонли бўлган инсонлар биз каби гапиришмайди, эшитишмайди. Аммо улар кўп нарсаларни оддий ишорани, ҳатто санъатни, куй-қўшқиларни ҳам шис эйтишади. Уларнинг нигоҳлари ўткир, ҳаракати фаол. Айнан мана шуларнинг мулоқот воситасидир.



Бугун Карлар жамияти Республикада истиқомат қиладиган гапиришда ва эшитишда нуқсонли бўлган 10 минг нафардан ортиқ инсонларни бириктиради. Юртимизда уларга эътибор ва гамжўрлик катта. Сўнги пайтда аҳолининг худди шу қатлами учун махсус ўқув-ишлаб чиқариш, ихтисослаштирилган маданий ва спорт корхоналари ташкил этилган.

рлар инсон ҳуқуқлари халқаро ҳуқуқига мувофиқ суиистеъмоликларнинг олдини олишини кўзда тутиши учун зарур ва самарали кафолатларни таъминлайди. Бундай кафолатлар ҳуқуққа лаёқатни амалга ошириш билан боғлиқ чоралар шахснинг ҳуқуқлари, иродаси ва мойилликларини ҳурмат қилишга йўналтирилган бўлиши, манфаатлар низои ва ноўрин таъсирдан холис бўлиши, ушбу шахс вазиётига мувофиқ ва мослаштирилган бўлиши, илоҳи борича қисқа муддатда қўлланилиши ҳамда ваколатли, мустақил ва холис орган ёки суд идораси томонидан мунтазам текширилишини таъминлаши керак.

рини йўлга қўйиш бўйича малакаларини барчага ўргатдилар. Биз Фарғона Давлат университетининг «Ҳарбий таълим» факультети билан биргаликда 14 январь - Ватан ҳимоячилари кўни муносабати билан давра суҳбати ташкил этдик. Бу юзма-юз мулоқотдан ҳам мақсад гапиришда ва эшитишда нуқсонли бор ногиронлиги бўлганларни ватанпарварлик туйғусини янада ошириш ва уларнинг ҳар доим хавфсиз ва фаровон яшашларини таъминлашга кўмаклашишдан иборат эди.

Ўзбекистон Карлар жамиятининг (УЗКЖ) Фарғона вилоят ҳудудий бўлими ўзининг асосий фаолиятини қонунчилигимиздаги бу сингари янгилардан барчани хабардор қилишга, ушбу ҳуқуқлардан фойдаланиш учун ҳуқуқий маслаҳатлар беришга бағишламоқда.

Яқинда Ўзбекистон Карлар жамиятининг Фарғона вилоят ҳудудий бўлими ҳамда ХДП Фарғона вилоят Кенгаши билан биргаликда «Хунарли киши хор бўлмас» номли мастер класс ташкил этди. Унда «Мономарказ» флористи 30 нафардан зиёд гапиришда ва эшитишда нуқсонли бор аёлларга қўл меҳнати орқали гуллар ясаб, ўзларининг кичик бизнесла-



Нарғизахон ЯКУБОВА, Ўзбекистон Карлар жамияти Фарғона вилояти ҳудудий бўлими раиси.

● Тақдир тақозосини енгиб...

ОРЗУЛАР ҚАНОТИДА

Халқимизда шундай эзгу тилак бор: «Танингиз сихат, умрингиз узоқ бўлсин!». Бу шунчаки манзират юзасидан айтиладиган гап эмас, балки ўзгаларга билдирилган чинакам олийжаноб ва самимий тилақдир. Чунки, сиз етти мучангиз соғ бўлса, саломатликдан шикоятингиз бўлмасагина бехатар яшайсиз, унинг ўзасиз.

Коллежни тугаллаб Ҳаётбек 2014 йилда Андижон Давлат тиббиёт институтига ҳужжатларини топширди. У ўша йили ростидан ҳам талабалар қаторига қабул қилинди. Институтининг бакалаврият босқичини тугаллаганидан сўнг магистратурада ҳам тахсил олди. Ниҳоят, шифокорлик дипломи билан 28 ёшли йигит ўз фаолиятини Избоскан тумани Тиббиёт бирлашмасига қарашли кўп тармоқли марказий поликлиникадан бошлади.

2018 йилдан Ҳаётбек яна ўзи тугаллаган олийгоҳга қайтди. У ҳозирги кунгача Андижон Давлат тиббиёт институтининг Патология анатомия ва суд тиббиёти кафедраси ўқитувчиси сифатида фаолият юритиб келмоқда.

қадар Ҳ. Нурматов 30 тадан ортиқ мақола-лар, тезис ва ўқув-услубий қўлланмалар чоп эттирган, - дейди илмий раҳбар, Тошкент тиббиёт академиясининг Суд тиббиёти ва тиббиёт ҳуқуқи кафедрасининг доценти, тиббиёт фанлари доктори Муҳаррама Ҳасанова. - У интизомли, ишчан, ўз устида ишлайдиган мутахассис бўлганиги сабабли илмий йўналишда магистрлар билан бирга иш олиб боради ҳамда жамоат ишларида ва турли конференцияларда фаол иштирок этади, ўзининг тиришқоқлиги ва меҳнатқашлиги билан жамоа орасида обрў-эътибор қозонган.

Саломатлигини қадрини, асосан дард чекаётган инсонлар яхши биладилар. Тақдир Ҳаётбекни оғир синонга дучор этди. Избоскан туманида зиёлар оиласида 1986 йилнинг 26 мартда туғилган Ҳаётбек Нурматов болалигидан II гуруҳ ногирони, унга - БЦФ - болалар церебрал фалажи ташҳиси қўйилди. Балки, унинг исмини ҳам ота-оналари ҳаёт билан вобаста бўлсин деган тилак билан шундай қўйишган бўлса ажаб эмас.

Даволаш ишлари билан шуғулланар экан Ҳаётбек ўзи таълим олган институти билан алоқани узмади. Чунки, унинг кўнглида илм олишга бўлган иштиёқ ҳар доим тинчлик бермас эди. Талабалик йилларида устозлари талаба ва ёрдами билан газета-журналларга саломатлик сирлари тўғрисида мақолалар ёзиш малакасини эгаллаган Ҳаётбек бу аънани кейинчалик ҳам давом эттира бошлади, тахририятлар билан алоқани янада яхшилади.

Бугунги куннинг талаби ғоят катта. Талабаларга ўқиладиган маърузалар йилдан-йилга ўзгача амалий аҳамият касб эта бориши лозим. Акс ҳолда, интернет олами билан ошно бўлган талабалар олдида ҳарқандай маърузачи ҳам мот бўлиб қолиши ҳеч гап эмас. Шу боис, соҳаси бўйича янгиларни қидирар экан Ҳаётбекнинг кўнглида янги топган кашфиётларини давом эттириб, илм билан шуғулланиш истаги тўғилди.

Ҳаётбек оилали турмуш ўртоғи - Гулнозахон уй бекаси. Фарзандлари - Маликахон, Зебоғул, Моҳларойим ва Иродахон исмли қизларини тарбияламоқда. Ҳар бир инсон орзулар қанотида яшагани яхши. Мана шу орзулар уни катта чўққиларни забт этишга ундайди. Ҳаётбек, орзулари сари интилар экан жисмоний қийинчиликларини унутди, меҳрибон устозлар маслаҳатларига амал қилди, тинимсиз ўқиди, изланди. Ана шу фазилатлари билан илм уфқларини очишга ҳаракат қилмоқда, келажакка бўлган ишонччи мустаҳкамламоқда.

Оиладаги олийжаноб муҳит, меҳрибон ота-оналарнинг сайй-ҳаракатлари тўғрисида Ҳаётбек меҳр ва мурувват доирасида улғайди. У саломатлигидаги нуқсонларини ҳам унутиб, билим олди, дўстларининг эътиборида бўлди. У барибир, саломатлигининг ғоят ширин орзусини туйиб яшади ва имкон топилса шифокорлик борасида ўқишни ўз олдига мақсад қилиб қўйди. У 9-синфини тамомлаши билан Андижон тиббиёт коллежига ўқишга кирди.

Кўп вақт ўтмай Ҳ. Нурматовни Андижон Давлат тиббиёт институти раҳбарияти ишга таклиф қилишди. У Патология анатомия ва суд тиббиёти кафедрасига мудирлик қила бошлади. 2016 йилда у Балиқчи тиббиёт коллежига катта ўқитувчи сифатида қабул қилинди ва тиббий педагог сифатида тажриба орттирди, айни пайтда ўз билимларини ҳам ошира борди.

Бугунги кунда институтида билимдон устоз сифатида танилиб, талабаларнинг ҳурмати ва эътирофига сазовор бўлган Ҳаётбек ҳозир Тошкент тиббиёт академиясининг Суд тиббиёти ва тиббиёт ҳуқуқи кафедрасининг мустақил изланувчиси ҳисобланади. У «Таъқиқ омиллари таъсирига учраган суяк ва мушак тўқималарини суд тиббий экспертизасини ўзига хос жиҳатлари» мавзусида суд тиббиёти мутахассислиги бўйича фалсафа доктори. PhD даражасини олиш учун илмий тадқиқот ишларини олиб бормоқда. - Педагогик фаолияти давомида ҳозирга

Саломат АВЕЗОВ, Ўзбекистон Ногиронлар ассоциацияси Қоракалпоғистон Республикаси ҳудудий бўлими мутахассиси.

● Тўсиқсиз муҳит яратиш йўлида

ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИ НАТИЖАЛАРИ ЎРГАНИБ ЧИҚИЛДИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Мамлакатимизда ногиронлиги бўлганларга ҳар томонлама қулайликлар яратиш борасида кенг имкониятлар яратилди. Мухими,



бугунги кунда Ўзбекистон ижтимоий давлат деб эълон қилинди. Шу йилнинг 12 январида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида тўсиқсиз туризм инфратузилмасини ривожлантириш ва уни рағбатлантириш чора-тадбирларини тўғрисида»-ги ПҚ-20-сонли қарори қабул қилинди. Бу муҳим меъёрий ҳужжатда ҳам шароитлар хозирлаш борасида муҳим чора-тадбирлар белгилаб берилган.

Ўзбекистон Ногиронлар ассоциацияси Президентимиз Фармон ва қарорларининг бажарилиши юзасидан тушунтириш ишлари олиб бориш, ҳуқуқий маслаҳатлар бериш билан биргаликда жамоатчилик назоратини ҳам амалга оширишга жиддий эътибор қаратмоқда. Биз нафақат туризм соҳасида, балки барча жамоатчилик биноларида, йирек савдо шаҳобчаларида, соғлиқни сақлаш тизими қабулхоналарида, таълим муассасаларида ва бошқа жойларда ногиронлиги бўлганлар учун тўсиқсиз муҳит яратилишини мониторинг қилиб бормоқдамиз.

Яқинда Ўзбекистон Ногиронлар ассоциацияси йўлланмаси билан тўсиқсиз муҳит яратиш борасида олиб борилаётган жамоатчилик назорати ҳолатини текшириш бўйича Фарғона вилояти бўлимида хизмат сафарида бўлдим. Сафар давомиди аниқландики, ЎзАнинг Фарғона вилояти ҳудудий бўлими томонидан жамоатчилик назорати ўтказилди, шу кунга қадар қабул қилинган объектлар сони 96 тани ташкил этган. Бу назоратнинг қай даражада адолатли амалга оширилганини аниқлаш учун 100 га яқин объектдан танлов асосида 7 тасини танлади ва уларда назорат ишларини олиб бордик. Биз томондан назоратдан ўтказилган объектларнинг барчаси тўсиқсиз муҳит қоидаларига ва шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари (ШНҚ) талабларига жавоб бермаслиги аниқланди. Шунинг айтиши керакки, биз олиб борган назорат ишлари жараёни тўлиқ видеога олинди ва жойида далолатномалар тузилди. Бу ҳолатда ЎзАнинг вилоят ҳудудий бўлими жамоатчилик назорати ишларига масъулият билан ёндашмаётгани очик-ойдин кўзга ташланди.



Биз водийдаги бошқа вилоятларда ҳам шундай назорат ишларини олиб бордик. Масалан, Андижон вилоятида шу кунга қадар 42 та объект қабул қилинган. Шундан 5 таси белгиланди ва уларга бориб назорат ишларини амалга оширдик. Афсуски, мана шу 5 та объектнинг барчаси тўсиқсиз муҳит қоидаларига ва ШНҚ талабларига жавоб бермаслиги аниқланди. Бу вилоятда ҳам ЎзА томонидан жамоатчилик назорати ишлари аниқ таъминланган асосида ўтказилмаётгани аён бўлди.

ЎзАнинг Наманган вилояти ҳудудий бўлими томонидан шу кунга қадар қабул қилинган объектлар сони 4 та экан. Бу объектларнинг учтаси биз томондан текшириб чиқилди. Биз қайта назоратдан ўтказган учта объектлар тўсиқсиз муҳит қоидаларига ва ШНҚ талаб-



ларига жавоб бериши аниқланди. Хулоса қилиб айтганда, текширув борасидаги мулоҳаза ва таклифларимизни тегишли вилоятнинг расмий идораларига тақдим этдик, камчиликларни бартараф этиш юзасидан шовишлич тадбирлар қабул қилишга даъват этдик.

Бундан буён жойларда барпо этилаётган объектларда жамоатчилик назоратини амалга оширишни қатъий талаблар ва ШНҚ қоидаларига асосан ўтказиш бўйича зарур чоралар кўрилади. Азиз МУҲАМЕДХОҲАЕВ, ЎзА Жамоат назорати бўлими бошлиғи.

● ННТлар фаолиятдан ОЧИҚ ЭШИКЛАР КУНИ ЎТКАЗИЛДИ

Фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш, уларнинг ижтимоий ва сиёсий фаоллигини ошириш давлат ва жамият қурилишини такомиллаштиришнинг асосий омилларидан бири ҳисобланади. Бугунги кунда ушбу ташкилотлар демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш, жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш ҳамда мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий салоҳиятини ошириш йўлида муҳим қадамлар ташламоқдалар.

Яқинда Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси Наманган вилоят худудий бўлими «Мадад» муассасаси шаклидаги нодавлат нотижорат ташкилотининг



вилоятдаги бюроси билан ҳамкорликда навбатдаги «Очиқ эшиклар кунини» тадбирини ўтказди.

Кун давомида, ўтказилган «Очиқ эшиклар кунини» да фуқаролар томонидан турли мазмундаги муножаатлар билдирилди.

Масалан, Ўзбекистон Пенсиялар уюшмаси Наманган вилоят бўлими Кенгаши раиси Турғунпўлат Рўзибоевнинг Нодавлат нотижорат ташкилотлари гувоҳномасини олиш, Наманган вилояти «Хотин-қизлар тадбиркорлик маркази» бош мутахассиси Муроджон Турғунбоевнинг меҳнат дафтаридаги ишларни шартли равишда «Qiziltera clean water» Нодавлат нотижорат ташкилот раиси Шаробой Умаров томонидан берилган истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш агентлигининг вазифалари ҳақидаги, вилоят кўчирчоқ театри бош мутахассиси Мунаввар Гоиббоевнинг меҳнат шартномаси тузиш бўйича берган саволларига ҳуқуқий нуктаи назардан тушунтиришлар берилди.

Ўтказилган тадбир давомида, келиб тушган барча муножаатлар бўйича жойида ҳуқуқий ва консультатив тавсия ҳамда маслаҳатлар берилди. Тадбирда, «Мадад» — муассаса шаклидаги Нодавлат нотижорат ташкилотининг Наманган шаҳар ва Косонсой туман бюроси мутахассислари — И. Абдуллаев ва Б. Рашидов иштирок этидилар.

Холида ҚОБУЛОВА.

● Гузарлар ободлиги — фаровонлик манбаи

МАҲАЛЛАЛАР ЯНГИЛАНМОҚДА

Юртимизда олиб борилаётган ислохотлар натижасида олис ҳудудларда яшовчи аҳоли фаровонлигини оширишга ҳам катта эътибор қаратилмақда.

Аҳоли даромадлари ўсишига эришиш, турмуш фаровонлигини ошириш йўлида Сурхондарё вилоятининг Олтинсой туманининг Янги қурилиш, Алибой Бўтаев номидаги, Миршоди, Қарсаган, Қора-тепа, Экраз, Тўхтамиш ва Баттош маҳалла фуқаролар йиғинларида ибратли ишлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, «Обод хонадон — обод кўча», «Обод маҳалла» мезонларини жорий этиш мақсадида Янги қурилиш маҳалласида кўчалар ва аҳоли хонадонларига 1300 түп мевали ва манзарали даракт кўчатлари экилди. Барча маҳаллаларда ободоналаштириш, таъмирлаш ишлари олиб борилди, уйлارнинг



олд томонлари бўялди, 6 км. йўлга шағал тўкилди. Электр узатиш линиялари тартибга келтирилди, 21 донна симдөгилар темир бетон устунларга алмаштирилди, 2 та трансформатор ўрнатилди. Худудлар чиқиндилар тозаланди, 2 км. узунликдаги ариқ тозаланди, кўча бўйларидagi дов-даракларга шакл бериб, улар оқланди.

Бугунги кунда маҳаллалардаги раво йўллар, замонавий мактаб бинолари, оилавий поликлиникалар, мактабга таълим ташкилотлари, савдо шаҳобчалари, мўъжизакор тўйхоналар, тивувчилик, қандолатчилик цехлари ва халқ хизматидаги ёшлар билан гавҳим жойларни қўриб ҳавасингиз келади. Туманининг Тўхтамиш маҳалласи ўзининг миришкор деҳқонлари, иқтидорли ёшлари билан машҳур. Бу мақсадда етиштирилган сархил узумлар, улардан тайёрланган майзини дунёнинг бошқа бирон гўшасидан тополмайсиз, десак асло хато бўлмайди.

— Сўнгги йилларда маҳаллаларга санаяти олиб кириш, кичик безнесни, хусусан касаначиликни ривожлантириш, иссиқхоналар ташкил этиш, аҳоли томонидан унумли фойдаланиш борасида сезиларли ютуқларга эришилди, — дейди Тўхтамиш МФЙ раиси Соатмуҳаммад Жумаев. — Боғу рогларда, томорқалар ва иссиқхоналарда кишин-ёзин етиштирилаётган маҳсулотлар хорижга ҳам экспорт қилинмоқда. Бу эса аҳоли турмуш фаровонлигини, маҳаллада истиқомат қиладиган оилалар моддий аҳолини яхшилашга хизмат қилмоқда.

Нуржохон ҒАЙИБОВА.

Халқ ижодиётига эътибор ва бадий ҳаваскорликни ривожлантириш маданиятимизнинг муҳим вазифаларидан биридир. Бугунги кунда туманларимизда фаолият юритаётган ушбу соҳа ходимлари аҳолига маданий хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш, жойлардаги аҳолининг маданий эҳтиёжларини қондириш ва бўш вақтларини мазмунли ўтишини таъминлаш борасида барча имкониятларни ишга солмоқдалар. Биринчи навбатда, маданият бўлими ўз даргоҳига жойлардаги санъатнинг турли соҳаларига иштиёқманд бўлган иқтидорли ёшларни тўпламоқдалар. Ана шундай танлов асосида шакллантирилган ижодий жамоалар миллий қадрият, урф-одат ва анъаналарни ўзида мужассас элган намунали дастурларини шакллантириб эл-юртга хизмат қилмоқдалар.

Хоразм вилоятининг Қўшқўпир туманида маданият бўлими 1955 йилда ташкил этилган. Бугунги кунга келиб бўлим ходимлари шаклланган ижодий жамоалар билан маданий-маърифий, оммавий тадбирлар ташкил қилиб келишмоқда.

Туман маданият бўлими тасаруфида жами 4 та маданият марказлари, 4 та «халқ» мақомига эга ижодий жамоалари, фаолият кўрсатиб келмоқда. Туманининг турли ҳудудларида 14-сон Аз-Замашарий номидаги, 15-сонли «Эзгулик», 16-сонли «Адолат», 17-сонли «Ойдин» деб номланган маданият марказлари фаолият кўрсатиб турибди. Уларнинг қосида «Жўралар» фольклор этнографик халқ жамоаси, «Юлдуз» ашула ва рақс ансамбли «Хаёт» халқ ҳаваскорлик цирк жамоаси ва «Хумо» эстрада ғуруҳи мавжуд.

Маданият соҳасига, умуман санъат йўлига кўпчилик ижодкорлар жойларда ташкил этилган тўғрақлардан кириб келадилар. Бугунги кунда мазкур тумандаги маданият марказларида жами 22 та тўғрақ фаолият кўрсатиб турибди. Уларнинг икитаси тўғрақлар асосида фаолият юритади, икитаси жамоатчилик асосида ташкил қилинган. Мазкур тўғрақлар ва ижодий жамоаларда жами 592 нафар ҳаваскорлар иштирок этиб келмоқдалар. Уларнинг асосий қисмини ёшлар ташкил қиладди.

Тўғрақларда ижодий имкониятларини синаб кура олган ва маҳоратларини ошираётган ёшлар кейинчалик олий таълим муассасаларига йўл оладилар. Туман маданият бўлимидаги малакали ходимлар шу тарзда кўпайиб бормоқда. Хозир маданият марказларида ишлаб келаётган ходимларнинг 4 нафари турли олий таълим муассасаларида сирдан таълим олмақдалар.

Тумандаги 14-сонли Аз-Замашарий номидаги маданият маркази «Гулзор» маҳалла фуқаролар йиғинининг «Мустақиллик» кўчасида жойлашган. Марказ илгаридан қурилган ва фаолият учун имкон қадар мослаштирилган бинода фаолият юритиб келади. Маданият маркази тумандаги 6 та маҳалла фуқаролар йиғини, 27398 нафар аҳолига хизмат қиладди.

● Халқ ижодиёти

САНЪАТИ БИЛАН МУШЎУР БЎЛГАН ТУМАН



Марказнинг ишлари биринчи навбатда ташкил этилган тўғрақларда кўзга ташланади. Бу даргоҳда Қашқар рубоби, Доира, Анъанавий ашулачилик, Китобсеварлар, Тиқиш-бичиш, Компьютер саводхонлиги, Рассомчилик тўғрақлари мавжуд бўлиб, уларга 189 нафар ёшлар жалб қилинган.

Мазкур марказда 27 ходим фаолият юритади. Уларнинг 5 нафари техник хизмат кўрсатувчилар бўлса қолганлари ижодий ходимлардир. Уларнинг орасида 6 нафар олий маълумотли ва 19 нафар ўрта махсус маълумотли мутахассислар бор.

Марказда хаваскорларнинг санъат сирларини ўрганишлари ва ўз маҳоратларини оширишлари учун барча имкониятлар ҳозирланган. Муҳими, бу ерга ташриф буюрувчилар учун чолғу асбоблари етарли. Марказда ҳозир 10 та турли чолғу асбоблари бор. Уларнинг сони ва турларини кўпайтириш чоралари қўрилмоқда.

Туман ҳокимлиги маданият ишларига катта эътибор билан ёндошгани ҳар бир маданият марказига қўлай бинолар ажратилгани ва хаваскорларнинг фаолияти учун шарт-шароитлар ҳозирлаб берилганидан ҳам билиб олиш мумкин.

Жойларда аҳолига хизмат кўрсатаётган ва дам олиш тадбирларини кўнгилли ташкил этаётган маданият ходимлари асосан, ижодий жамоалар ва ансамбллар ҳисобланади. Бугунги кунда Қўшқўпир туманида шаклланган ва эл эътирофига сазовор бўлган ана шундай ижодий жамоалар бор. Шулардан бири бундан роппа-роса 20 йил илгари ташкил этилган «Жўралар» фольклор этнографик ансамблидир. Ушбу ансамбли шакллантиришда маданият ходими Зулайхо Хайитметованинг ҳис-

саси катта бўлди. Унга узоқ йиллар раҳбарлик қилиб келди. Ҳозирги кунда унга Ҳурмат Алимов раҳбарлик қилмоқда.

«Жўралар» фольклор этнографик ансамблининг иштирокчилари шу ўтган давр мобайнида ўз устида тинимсиз изланишлари туфайли байрам ва тадбирларда фаол қатнашиб, вилоят ва ҳатто республика миқёсида ўтказиладиган турли танлов ва фестивалларда фаол иштирок этиб, Диплом ва «Фахрий ёрлик»лар билан тақдирландилар. Очигини айтганда, мазкур ансамбль Республика ва вилоятларда бўлиб ўтган муҳим маданий тадбирларнинг барчасида иштирок этиб, ўзининг бетакор ва халқона чиқишлари, халфачилик, бахшичилик жанрлари билан барчани хушнуд этиб келади.

Ҳозирга қадар қарийб 55 йилдан ортиқроқ йиллик тажрибага эга бўлган «Юлдуз» ашула ва рақс халқ ансамбли 1972 йилда Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигининг қарорига биноан



«Халқ ҳаваскорлик жамоаси» мақоми берилди. Дастлаб, бадий жамоа туман маданият уйининг бадий раҳбари, ташкилотчи, хушовоз хонанда Самандар Болтаев томонидан тумандаги хаваскорларни излаб топилди, уларни тўғрақларга жалб қилиш, ижодий имкониятларини юзага чиқариш билан шакллантирилди. Бу ансамбль халқ ҳаваскорлари жамланмаси сифатида қишлоқ, туман, шаҳар, вилоят миқёсида байрамларда, турли кўрик-танловларда, фестивалларда намунали катнашиб фахрли ўринларни эгаллаб келди. Шу син-



гари 1982 – 1983 йилларда Венгрия, Ҳиндистон, Туркия давлатларида ижодий сафарда бўлди. Шунинг таъкидлаш кераки, мазкур ижодий жамоа 1973 йилда Москвада бўлиб ўтган халқаро фестивалда иштирок этиб, кўргазма залларида 6 кун концерт дастурларини намойиш этган эди.

Ҳозир «Юлдуз» ашула ва рақс халқ ансамблининг қатнашчилари сони 25 нафарни ташкил қиладди. Санъаткорлар жамоаси ҳозир Улугбек Азимов раҳбарлигида туман ҳамда вилоят миқёсида ўтаётган муҳим тадбирлар савиясини юқорига кўтаришга хизмат қилмоқда.

«Хаёт» эстрада-цирк ғуруҳи туманда 1985 йилдан буён хизмат қилиб келади. Цирк репертуаридан кенг қўламдаги фокус-иллюзия уйинлари, Ҳинд йог уйинлари, турли мўъжизасиз-мўъжизалар, ўргатилган илонлар, итлар ва қабурталар билан амалга оширилаётган қизиқарли томошалар ўрин олган. Циркнинг гастрол сафарлари доираси кенг. Ушбу жамоа ҳам мамлакатимизнинг барча туманларида томошалар кўрсатган. Шунингдек, Россия Федерациясида, Қозғистон, Қирғизистон ва Туркманистон Республикаларида томошалар кўрсатиб, олиншар олган.

Бир сўз билан айтганда, туманимизнинг ҳар бир тадбирлари куй-қўшиқлар ва бошқа кўнгилочар тадбирларсиз ўтмайди, чунки халқимиз санъатда, куй-қўшиқларга иштиёқманд. Бунинг учун туман маданият бўлими ва унинг қосида ташкил этилган бадий жамоалар сидқиқдилдан хизмат қилаверадилар.

Жасурбек РАХИМБЕРГАНОВ, Қўшқўпир туман маданият бўлими мудири.

● Соғлом турмуш тарзи учун

«МАХСУСТРАНС» - ҲАР БИР ХОНАДОН ХИЗМАТКОРИ

Ҳар бир жамиятда фуқароларнинг саломатлиги энг муҳим бойлик ҳисобланади. Инсонлар сийхат-саломатлигини барқарор этиш учун, биринчи навбатда ҳар бир оилда санитария қоидалари устувор бўлиши, унда яшаётган ҳар бир оила аъзоси тозалликка риоя қилиш билан биргаликда ўзи яшаётган жойни тоза, озода сақлаши, муҳими чиқиндиларни имкон қадар тезроқ бартараф этиши керак. Аввало шаҳарларимиздаги ҳар бир хонадон тоза ва батартиб бўлиши керак. Шунда маҳаллалар озода бўлади. Мана шундан кейингина катта шаҳарларимизнинг экологик савиясини баҳолаш мумкин бўлади.

Хоҳлайсизми, хоҳламайсизми кундалик турмуш жараёнида нафақат шаҳарлардаги, балки қишлоқлардаги хонадонлар ҳам маълум миқдорда чиқиндилар чиқаради. Чунки, ҳар бир уйда дастурхон ёзилди, қозон қайнайди, турли тозалаш омилларидан фойдаланилади. Бу жараёнда пайдо бўладиган чиқиндиларни бартараф этиш бутун жамиятда ўзига хос муаммолардан бири бўлиб келмоқда.

Чиқиндиларни бартараф этиш масаласи мамлакатимиз уйтаҳти Тошкентда кейинги йилларда бирмунча тартибга тушганидан ҳаммининг хабари бор. Бунинг қўли қаватли уйлardan иборат бўлган маҳаллаларнинг орасида кичкинагина шинам ва батартиб чиқиндихоналар ишлаб бошлаганидан ҳам билса бўлади. Уларнинг ҳовлисига машинага ортиш учун қўлай бўлган махсус идишлар қўйиладиган бўлди. Шаҳар маҳаллаларида эса чиқиндиларни ташини учун мослаштирилган махсус машиналар сигнал чалиб айлиниб юрибди.

Бугунги кунда Тошкент шаҳрининг ҳар бир туманида чиқиндиларни олиб кетиб, шаҳарни озода сақлайдиган ташкилотлар бор. Тошкент шаҳар «Махсустрас» ишлаб чиқариш бошқар-

масининг Давлат унитар корхонасига қарашли Сергели «Махсустрас» автотранспорт ана шулардан биридир.

Бу филиал тумандаги 19 маҳаллада истиқомат қиладиган 97116 та нафар аҳолига ҳамда бу ҳудуддаги қўллаб қорғонлар ва ташкилотларга



хизмат қиладди. Худудда ҳовлилардан иборат қўллаб қорғон-жой бинолари ва қўпқаватли уйлар бор. Ҳовлилардан иборат бўлган маҳаллаларга чиқиндиларни олиб кетадиган машиналар ҳафта-сизма икки марта боради. Қўп қаватли уйлар

пойидаги махсус чиқиндихоналардаги идишлар ҳар кун тозалаб кетилади.

Тумани санитария қоидалари талаблари даражасида озода сақлашга даъват этилган Сергели «Махсустрас» автотранспорт филиали одамлар ва ташкилотларга хизмат кўрсатиши билан биргаликда худудни тоза сақлашга ҳаракат қиладди. Ҳатто йўл атрофлари ва хиёбонлардаги чиқиндилар ҳам уларнинг эътиборидан четда қолмайди.

Мазкур «Махсустрас» автотранспорт корхонаси аслида узоқ йиллардан буён фаолият кўриб келди. Аммо у мустақилликка эришганидан кейинги йилларда амалга оширилган ислохотларга мос тарзда кенгайди ва ўз фаолиятини такомиллаштирди. Филиал бугунги кунга келиб замонавий техника воситалари билан қуролланган корхонага айланган. Бу корхонада айни пайтда 100 нафарга яқин ишчилар, ҳайдовчилар ва бошқа мутахассислар хизмат қиладди. Уларнинг қўлида 40 га яқин зарур техника воситалари бор. Уларнинг 20 таси чиқинди ташийдиган махсус машиналардир.

— Бизнинг филиал доимий тарзда одамларнинг қорига ярайдиган бир тизимга айланди, десак асло хато бўлмайди, — дейди «Махсустрас» автотранспорт корхонаси директорининг ўринбосари Олимжон Сайфуддинов. — Жамоамизда бутун умрини шу соҳага бағишлаган фидойи ва гайратли инсонлар бор. Масалан, Рустам Аҳмедов, Абдураззак Абдукаримов сингари ҳайдовчилар, техникадан фойдаланиш бўли-



ми бошлиги Ботир Ботиров шундай ходимларимиздан ҳисобланади. Корхонамиз директори Тоҳир Якубаев ҳам узоқ йиллардан бери шу корхонада меҳнат қилиб келади. Бу инсон 2011 йилдан буён жамоамизга раҳбарлик қилиб келмоқда. Биз туманда истиқомат қиладиган инсонларга хизмат қилар эканмиз, шаҳримиз тозаллигини сақлаш, соғлом турмуш тарзини барқарор этиш сингари гоят муҳим ишга ҳисса қўшаётганимиз туфайли қасбимиздан доим фойда ва мамнуният сезамиз.

Тумандаги ҳар бир хонадон бугун ушбу корхона билан шартнома тузган, хизматидан фойдаланади. Ҳар кун бу даргоҳга қўллаб одамлар келиб-кетди, мулоқот тарзини текширади ва ҳисоб-китобларини амалга оширади. Ишлар рақамли технологиялар асосига ўтказилгани туфайли хизматлар «онлайн» тарзда тез, осон ва шаффоф тарзда халқ этилмоқда. Шу туфайли корхонага келиб тушадиган шикоятлар сони ҳам кескин камайди. Бу эса корхона ишларига аҳолининг берган ижобий баҳоси ҳисобланади.

Рашид РАУПОВ.

● Гиёҳвандлик — ҳаёт заволи

САЛОМАТЛИКНИ ЗАҲРУ ҚОТИЛГА АЛМАШТИРМАНГ

Бош қомусимизда «Инсон қадри учун» деган гоя устувор. Янги таҳрирдаги Конституцияда илгари амал қилиб келинаётган «давлат — жамият — инсон» тамойилининг «инсон — жамият — давлат» сифатида ўзгариши — эндиликда инсон манфаати ҳар нарсадан устун қўйилаётганидан далолат беради. Мана шу ҳолатнинг ўзи жамиятда инсон ва унинг қадр-қиммати, ҳаёти ва саломатлиги асосий эътиборда эканлигини яққол кўрсатиб турибди.

Инсон қадри ҳақида гап кетар экан, биринчи навбатда ҳар бир фуқаро ҳаётининг асосий қафолати ҳисобланган саломатлигини муҳофаза этиш ёгда тушади. Аммо кундалик ҳаётда шундай омиллар борки, улар туфайли кўпчилик соппа-соғ одамлар ўз ҳаётини хатарга қўяди, оилаларини, у ерда тарбия топаётган келажак авлод вақилларининг тақдирини боши берк кўчага кириб қолади. Бундай салбий омилларнинг биттаси гиёҳвандликдир.

Ҳозирги пайтда гиёҳвандлик ва уни одамлар, айниқса, ёшлар ўртасида тарқалишининг олдини олиш мақсадида дунё ҳамжамиятида гиёҳвандлик ва жиноятчиликка қарши халқаро ҳайъат ташкил этилган. Мазкур ҳайъат томонидан ҳар йили эълон қилинаётган маълумотларга қараганда жаҳонда гиёҳвандлик ва унга боғлиқ бўлган жиноятлар сони йилдан-йилга ортиб бормоқда. Шунинг учун ҳам гиёҳвандликнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш ҳамда

гиёҳвандликка мубтало бўлганларни даволаш борасида ягона дастур ишлаб чиқилиб, ҳаётга тадбиқ этилмоқда.

Давлатимиз томонидан юритилаётган оқилона сиёсат ҳар томонлама қомил, соғлом, олийжаноб фазилатли, юксак тафаккурли, маънавий, ижтимоий фаоллиги билан ажралайди турадиган намунали инсонларни тарбиялашга қодир бўлган фуқаролик жамиятини шакллантиришга қаратилган. Мана шундай халқчил сиёсат олиб бораётган ҳукуматимиз барча турдаги гиёҳвандликка қарши изчил кураш олиб бормоқда. Оммавий аҳборот воситалари орқали дунёда «аср вабоси» деб номланган гиёҳвандликнинг инсон соғлигига, маънавиятига зарари ва унинг аянчли оқибатлари ҳақида баралла айтилимоқда ва кенг тушунтирилмоқда.

Бу ҳолат қонунларимизда ҳам ўзининг аксини топган. Жумладан, Ўзбекистон Республи-

каси Олий Суди Пленумининг 2017 йил 28 апрелдаги 12-сонли қарориди «Судларнинг эътибори шунга қаратилсинки, гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ва психотроп моддалар билан қўнғун хилоф равишда муомала қилишга оид жиноятлар аҳоли соғлигига, жамиятнинг иқтисодий ва маънавий негизига жиддий таҳдид солади, оилавий муносабатларга салбий таъсир кўрсатади, бошқа ижтимоий муаммолар келтириб чиқаради», деб қўрсатилган.

Дарҳақиқат, бу рўйи заминда инсон деган ном ва шу билан бирга унинг шаъни, қадр-қиммати, ор-номуси ҳар нарсадан азия! Бироқ, ана шу улғу ва қутлуг номга доғ тушираётганлар ҳам орамизда борлигини асло инкор этиб бўлмайди. Шу ўринда, қайд этиш лозимки, айнан шу иллат туфайли юксак ҳаётий чўққиларни забт этмоққа қодир бўлган баъзи ёшлар ўзларини бадном қилаётгани, гиёҳвандлик оқибатида бетаним иштироблар алағанида қоврилиб, тақдири заҳри қотил исканжада қолаётгани ҳеч кимга сир эмас. Шундай экан, «гиёҳванд» деган сўз қолқоқ чалинганида шундай манфур, қонун томонидан қатъий таъқиқланган хавфли одатлар билан ўралашиб қолган кимсаларга

нисбатан қалбимизда кучли нафрат уйғониши табиий.

Гиёҳванд моддалар инсон организмни тез орада бутунлай ишдан чиқариб, унинг маънавий ва руҳий дунёсига мутлақо пугур етказилади. Гиёҳвандлик иллатига дучор бўлган, яъни ружу қўйган кимсаларнинг ҳаёт тарзини кескин ўзгарди, улар одамлар орасида обрў-эътиборини йўқотди, атрофдагилар наздида хавфли ва ноҳор шахсга айланди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, трансмиллий жиноятчиликнинг учта энг хавфли тури ҳатто инсоният тақдирига хавф солиб келмоқда. Яъни халқаро терроризм, дин ниқоби остидаги экстремистик, фундаменталистик ва сепаратистик ҳужурлар, наркотик моддалар билан савдо қилиш, одам савдоси каби қўриқилган қабихликлар ўта оғир жиноятлар таснифига кириди.

Шуни айтиш кераки, гиёҳванд воситасини истеъмол қилувчи шахсларнинг номақбул ҳатти-ҳаракатлари туфайли дунёга келаётган чақалоқлар ногирон, мажруҳ бўлиб туғилмоқдалар. Мана шу нарасиданларнинг жажжи жуссаси, мунгли ниғоҳи-ю, нототта ташна кўзлари ҳар қандай тошбағир, жоҳил кимсаларни ҳам қалб-қилби ларзага солиши мукаррар. Зеро, ақл-қадр соҳиб бўлган инсон ҳар дамда, ҳар қадамда ўзи ва ўзгаларнинг ҳам ҳаётига асло бефарқ бўлмақчилиги керак. Эин атрофдаги кўни-қўшни, қавму қариндош, заминдош забондорлар ҳам бу каби иллатнинг салбий оқибатларидан оғоҳ бўлиши керак.

Фуркат ИСМОИЛОВ, Жиноят ишлари бўйича Қўшқўпир туман судининг раиси.

<p>IMKONIYAT IJTIMOIY-SIYOSIY, HUQUQIY VA MADANIY GAZETA Муассаси: Ўзбекистон Ногиронлар ассоциацияси</p>	<p>Бош муҳаррир Узукжамол НАЗАРОВА</p>	<p>Таҳрир ҳайъати: Алдам Икромов, Озодбек Назарбеков, Акмал Саидов, Ойбек Исоков, Жамшид Обрўев, Светлана Ортикова, Камолдин Ишанхўжаев, Усмон Азим, Рашид Раупов, Тўраҳўжа Эрхўжаев.</p>	<p>2023 йил 19 сентябрдан Ўзбекистон Республикаси Президентининг Администрацияси ҳузуридаги аҳборот ва коммуникациялар агентлигида 132096-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 275. Ҳажми — 2 бошма тобук. Қоғоз бичими — А2. Баҳоиси келишилган нархда.</p>	<p>«Imkoniyat» дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт. Муаллифлар фикри таҳрират нуктаи назаридан фарқлангани мумкин.</p>	<p>Манзил: 100027. Тошкент шаҳар, Фуркат кўчаси 1-уй. Телефон: (94) 653-47-70. (94) 601-59-57. Буюртма Г-409. Адади 700.</p>
--	--	---	--	--	--